

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.03.30.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МУМИНОВ АЗИЗБЕК ЗИЁВИДДИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШ
ЖАРАЁНЛАРИ (1991-2020 йй)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

УДК: 796.5.502.574.504.75(584.4)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Мўминов Азизбек Зиёвиддинович

Ўзбекистонда экологик туризмнинг ривожланиш жараёнлари
(1991-2020 йй).....3

Муминов Азизбек Зиёвиддинович

Процессы развития экотуризма в Узбекистане (1991-2020 гг.).....25

Muminov Azizbek Ziyoviddinovich

Development processes of ecotourism in Uzbekistan (1991-2020).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.03.30.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МУМИНОВ АЗИЗБЕК ЗИЁВИДДИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШ
ЖАРАЁНЛАРИ (1991-2020 йй)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tar269 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ik-tarix.nuu.uz) ва "ZiyoNET" Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бобожонова Дилором Бобожоновна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Обломуродов Наим Халимович
тарих фанлари доктори, профессор

Раҳимов Мирзохид Акрамович
тарих фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил "18" 12 соат 10³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория. Тел.: (0371) 227-12-24; факс: (0371) 246-53-21, (0371) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (136 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй, Бош бино.)

Диссертация автореферати 2021 йил "03" 12 куни тарқатилади.
(2021 йил "12" 08 даги 46 - рақамли реєстр баённомаси)


Илмий даражаларни берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,
профессор
Б.Б. Хайдаров
Илмий даражаларни берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д. (с.ф.д.)
(PhD), доцент
Н.У. Мусаев
Илмий даражаларни берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган энг муҳим тармоқлардан бири туризм соҳаси ҳисобланади. Ушбу соҳанинг муҳим йўналишларидан бири сифатида экотуризм бутун дунёда энг сердаромад тармоқлардан бирига айланмоқда. Экотуризмнинг ривожланиши ижтимоий-иқтисодий масалаларни самарали ҳал этиш қаторида экологик муаммоларни бартараф қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сўнги йилларда экотуризмнинг жаҳон туризми индустриясидаги улуши тобора кўпайиб бориб, йиллик ўсиши 30 фоизни ташкил қилмоқда. Экотуризмнинг истиқболли йўналишларини ривожлантиришнинг қонунчилик тизими, илмий-услугий ва институционал базаси, шунингдек, экологик туризм индустрияси учун кадрлар тайёрлаш масалалари БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO), Халқаро экотуризм ташкилоти (TIES) мутахассислари томонидан мунтазам равишда таҳлил этиб келинмоқда.

Дунё миқёсида экотуризм ҳамда туристик хизматларни ривожлантириш, экологик туризмни ривожлантириш йўлида замонавий инновацияларни ҳаётга татбиқ этиш, туризм соҳасининг иқтисодиёт, экологияга таъсири ҳамда бу жараёнда учрайдиган муаммолар сабабларини ўрганиш, экотуризмни ривожлантиришда илмий ёндошувларни ишлаб чиқиш юзасидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, туризм брендларини яратиш, экотуризм соҳасини ривожлантиришга доир меъёрий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, табиий ва биологик хилма-хилликни асраб-авайлаш ҳисобидан экотуристтик имкониятларни кенгайтириш, янги истиқболли йўналишларни очиш асосида номавсумий туризмни рағбатлантиришга қаратилган ишлар олиб борилмоқда.

Сўнги йилларда табиий ресурсларга бой, бетакрор ўсимлик ва ҳайвонот оламига эга бўлган мамлакатда ушбу салоҳиятни асраш ва кўпайтириш мақсадида кўплаб миллий дастур ва лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. "... иқтисодиётни ривожлантириб, янги иш ўринларини яратиш билан бирга, экотуризмни ривожлантириш атроф-муҳит тозалиги ва мусаффолигини сақлашга, аҳоли ўртасида касалликларни камайтиришга ўз ҳиссасини қўшади"¹. Бу борада экотуризмнинг ривожланиш жараёнлари, унинг илмий-назарий асослари ва иқтисодий, ижтимоий, табиий-географик жиҳатларини очиб бериш, тўпланган тарихий тажриба асосида Ўзбекистон табиатининг экотуристтик имкониятларини аниқлаш, таҳлил қилиш, улардан оқилона фойдаланиш йўллари кўрсатиш долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги ПФ-447-сон ““Ўзбектуризм” Миллий компаниясини ташкил этиш тўғрисида”, 1999 йил 15 апрелдаги ПФ-2286-сон “2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси // <https://president.uz/uz/lists/view/781>.

туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”, 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон “Ўзбекистон Республикаси 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар ижтимоий фанларнинг турли соҳаларида, жумладан, тарих, ҳуқуқ, фалсафа ҳамда сиёсий фанларда мамлакат туризм индустрияси, унинг турли тармоқлари билан боғлиқ қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган, улар туризм ва экотуризм соҳасига оид масалаларни ўрганиш, мавжуд муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш ва уларни ҳал қилишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда муҳимдир. Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар акс этган адабиётларни тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этишда уларни икки гуруҳга: мустақиллик йилларидаги адабиётлар ҳамда хорижлик муаллифлар асарларига ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи гуруҳга кирувчи адабиётларда² Ўзбекистондаги туризм масалаларининг ҳуқуқий асослари, туризмни ривожлантиришда олиб борилаётган ишлар, ҳамкорлик масалалари сўнгги йиллардаги тадқиқотларда мамлакатда экотуризм хусусида ҳам фикр юритилган.

Ижтимоий соҳа олимларининг тадқиқотлари доирасида сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт ва бу соҳалар бўйича халқаро ҳамкорлик масалалари қаторида экотуризмга оид маълумотлар учрайди³. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки,

² Бобожонова Д. Аҳоли саломатлиги ва экологик муаммолар.–Тошкент: Фан, 1996.–28 б.; Турсунов Х. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.; Холмўминов Ж. Экология ва қонун.–Тошкент: Адолат, 2000.–352 б; Ниғматов А., Шомуротова Н. Экотуризм асослари.–Тошкент: Турон, 2007.–234 б.; Жумаев Т. Экология иқтисодиёти. – Тошкент, 2004. – 236 б.; Икрамова Н. Минтақа экологиясини тартибга солиш муаммолари.–Тошкент: Фан, 2006.–100 б.; Хамидов О. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш.–Тошкент, 2017. – 300 б.

³ Шамуратова Н. Ўзбекистонда экотуризм ва унинг табиий географик жиҳатлари. Геог.ф.ном. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети. 2011. – 22 б.; Альмов А. Қорақалпоғистон Республикасида экотуризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истикболлари, Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, – Самарқанд: Қорақалпоқ давлат университети, 2018.–24 б.; Мухамедова М. Ўзбекистон тарихий шаҳарларидаги музейлаштирилган объектларда туризмнинг шаклланиши ва ривожланиш истикболлари. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент: Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти. 2020. – 24 б.

туризмнинг экологик йўналиши дунёда, аввало, амалий ишлардан бошланган бўлиб, экотуристтик маршрутлар Европа мамлакатларида ишлаб чиқилиб, кейинчалик Осиё, Шимолий Америка давлатларига ёйилган. Экотуризмнинг мустақил туристик йўналиш сифатида ривожланиши XX аср охири ва XXI асрнинг бошларига тўғри келади. Бироқ, ҳозирга қадар экотуризмнинг умумэтироф этилган назарияси ва амалиёти етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Бу борадаги тадқиқот ишлари кўпроқ экотуристтик маркетинг, менежмент, таълим-тарбия масалаларига бағишланган⁴. Экотуризмни ривожлантиришнинг иқтисодий, табиий-географик масалалари ўрганилишига бағишланган тадқиқот муаллифларининг ишлари аҳамиятлидир.

Мазкур мавзу ҳозирга қадар замонавий назарий-методологик ёндашувлар асосида илмий билишнинг мустақил объекти сифатида алоҳида тадқиқ этилмаган. Аммо, мавзунинг айрим жиҳатлари баъзи тадқиқотларда қисман кўриб ўтилади. Масалан, иқтисод, туризм, экология, ҳуқуқ, педагогика йўналишларида чоп этилган нашрларда экотуризмнинг аҳамияти, ҳудудларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланишдаги ўрнига оид баъзи маълумотлар бериб ўтилган. Жумладан, ҳуқуқшунослик соҳасига оид тадқиқотларда⁵ мамлакатда табиатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экология, туризм, унинг муайян соҳаси экотуризмнинг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатлари ёритилган.

Иккинчи гуруҳга оид хорижий мамлакатларда яратилган адабиётларда экотуризм масалалари муҳим ўрин тутди. Жумладан, экотуризмни янги бир йўналиш сифатида эътироф этиш хусусидаги дастлабки қарашлар Ғарбий Европа мамлакатларига бориб тақалади. Хусусан, бу борада Дэвид Феннел (David Fennel), Гудвин (Goodwin), Цебаллос-Ласкуръен (Ceballos Lascurin) каби мутахассисларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин⁶.

⁴ Тухлиев Н., Таксанов А. Экономика большого туризма.–Ташкент: Узбекистан, 2001.–207 с.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития.–Ташкент: Узбекистон миллий энциклопедияси, 2006.–416 с.; Хайитбоев Р., Матякубов У. Экологик туризм.–Самарқанд: 2010.–104 б.; Нигматов А., Шамуратова Н. Экологик туризм янги фан соҳаси // Экология хабарномаси. 6-сон, 2004.–Б.17-20.; Шамуратова Н. Ўзбекистонда экологик туризм имкониятлари // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 25-жилд. 2005.–Б.123-126.; Нигматов А., Шамуратова Н. Экотуризм асослари. – Тошкент: Турон Икбол, 2006. – С.78-83.; Хасанов И., Шамуратова Н., Никадамбаева Х. Тошкент вилояти табиатининг рекреация имкониятлари // Ўзбекистон география жамияти VII съезди материаллари.–Тошкент, 2006.–Б.25-26.; Нигматов А., Шамуратова Н. Ўзбекистонни экотуристтик районлаштириш тажрибаси // Экология хабарномаси. 2-сон, 2007.– Б.46-50.; Шамуратова Н. Иқлимнинг экотуристтик хусусиятлари // Ўзбекистон география жамияти ахбороти, 35-жилд, 2010.– Б 28-31.; Шамуратова Н. Рельеф ва экотуризм // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 36-жилд, – Тошкент, 2010. – Б 61-63.; Эгамбердиева Г. Зарубежный опыт развития внутреннего туризма и его применение в Узбекистане. – Тошкент:Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари журналы, №3 (87), 2019. – С.43-47.

⁵ Мирзаев Т. Экологияга доир қонунлар ижросини текшириш ва қонунлар бузилишига барҳам бериш. Ўқув кўлланма. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2000.– 54 б.; Калонов Б. Экология назоратини амалга оширувчи давлат органлари ва уларнинг ваколатлари. – Тошкент: Маънавият, 2003. – 56 б.; Файзиёв Ш. Экологическая политика государства: проблемы правового обеспечения. Монография. Под редакцией М.Х.Рустамбоева, Рахмонқулова Х.Р. – Ташкент. 2004. –201 с.; Холмўминов Ж. Т. Экологик хавфсизликни таъминлаш ва экологик таҳдидларни олдини олишнинг ҳуқуқий асоси // Ўзбекистон Респ. Ички ишлар вазирлиги ахборотномаси. – 2014. – № 2. – Б. 53–60.

⁶ Fennel, D.A. (2006). Ecotourism: An Introduction. New York: Rautiedg; Goodwin, H (1995) "Tourism and the Environment", Biologist; Ceballos, Lascurian (1991). Tourism, Ecotourism and Protected Areas. In Packs, Vol. 2, # 3, England, Switzerland.

Экотуризмнинг замонавий муаммолари билан боғлиқ масалаларга бағишланган тадқиқотлар ҳам анчагина. Жумладан, К.Бишоп, М.Грин, А.Филипслар ўзларининг “Миллий парклар модели” (2000) номли тадқиқот ишида Европа ва Канада миллий паркларини тавсифлаганлар⁷. Ю.Кужелнинг “Туризм ва меҳмондўстлик” китобида туризм соҳасининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги роли очиб берилган⁸. Россиялик олимлар Н.Морозова ва М.Морозовлар тадқиқотларида замонавий туризм индустрияси янги компьютер технологияларининг жорий этилиши туфайли улкан ўзгаришларга эга бўлди, деб таъкидлаганлар⁹.

2020 йили Самарқанд шаҳрида “Ипак йўлидаги туризм: туризмни ривожлантиришга замонавий ёндашувлар ва маданиятлараро алоқа” мавзусида ташкил этилган халқаро конференция туризмнинг маданиятлараро мулоқотдаги аҳамияти, долзарблиги, туризмни ривожлантиришда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш стратегиясини чуқур таҳлил қилишга хизмат қилди. Юқорида келтирилган маълумотлар мазкур мавзунини тадқиқ этиш зарурати борлигини тасдиқлайди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №ОТ-Ф1-109 “Ўзбекистонда ер-сув муносабатлари тарихи (қадимги даврдан ҳозирга кунгача)” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади 1991-2020 йилларда Ўзбекистонда экотуризмнинг ривожланиш жараёнлари, унинг тарихий илдизлари, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва табиатни асрашдаги аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жаҳон тажрибасида экотуризм соҳасини ривожлантиришнинг назарий асосларини таҳлил қилиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг тарихий, миллий ва минтақавий жиҳатларини ўрганиш ҳамда табиий-экологик ресурсларни тавсифлаш;

Ўзбекистонда экотуризмнинг ривожланиш босқичларини тарихий ракурсда очиб бериш;

экотуризм соҳаси ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир меъёрий-ҳуқуқий асосларининг шаклланиш жараёнларини таҳлил қилиш;

табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва туризм хавфсизлигини таъминлашдаги халқаро ҳамкорлик масалаларини ўрганиш;

экотуризмнинг тарихий, маданий, зиёрат ва бошқа туризм турлари билан боғлиқ ҳолдаги ҳудудий муаммолари ва унинг истиқболларини очиб бериш;

тадқиқот материаллари асосида мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мустақиллик йилларида

⁷ Бишоп К., Грин М., Филипс А. Модели национальных парков. – М.: Изд-во Центра охраны дикой природы, 2000. – 216 с.

⁸ Кужел Ю. Туризм и гостеприимство. Уч. – М.: Издательство Юрайт, 2018. – 439 с.

⁹ Морозова Н., Морозов М. Информационное обеспечение туризма. Учебник. – Москва, КноРус, 2016. – С.7.

Ўзбекистондаги экологик туризмнинг ривожланиши тарихи танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистонда экотуризмнинг ривожланиш жараёнлари, тарихий жиҳатлари, унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва табиатни асрашда тутган ўрни масалаларини тавсифлаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий-таққослаш, қиёсий-таҳлил, тизимлаштириш, холислик тамойиллари, социологик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда экотуризмнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларининг учта муҳим босқичи аниқланиб, биринчиси (1991–1999 йиллар)да экотуризм туризмнинг алоҳида тармоғига айланганлиги; иккинчиси (1999–2016 йиллар)да соҳада рақобат муҳити яратилганлиги ва учинчи босқичда (2016 йилдан бошлаб) замонавий ёндашувлар асосида экотуризм етакчи тармоқлардан бири сифатида иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечимида муҳим ўрин тутаётганлиги исботланган;

экотуризм имкониятларини ўрганишнинг регионал районлаштириш принциплари асосида амалга оширилиши тармоқни Оролбўйи минтақаси, Айдар-Арнасой кўллар тизими, Нанай-Чодак тоғли рекреацион маркази сингари табиий ландшафтлар бўйича ривожлантирилишига имкон берганлиги очиқ берилган;

тармоқ салоҳиятини ривожлантиришда хорижий инвестициялар ва маҳаллий тадбиркорларнинг фаол жалб этилиши ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, туристлар оқимини кўпайтириш, шунингдек, миллий туризм маҳсулотларининг жаҳон бозорида фаол тарғиботи баробарида тизимни тарихий, маданий, зиёрат каби туризм турлари билан боғлиқ ҳолда ривожлантиришга хизмат қилаётганлиги далилланган;

Зомин миллий табиат боғида Япония, Сўқоқ қўриқхонасида АҚШ каби давлатларнинг дам олиш ҳудудларини режалаштириш, лойиҳасини тузиш, йўлак-сўқмоқларни аниқлаш, табиат билан яқиндан муносабатга киришиш, бу борадаги билимларни ошириш, соҳага жамоатчиликни жалб этиш каби тажрибаларнинг қўлланилиши миллий парк ва табиат қўриқхоналарида халқаро экотуризм моделларини жорий этишга замин яратганлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатининг моҳияти ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг турли жиҳатлари очиқ берилиши, табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва туризм хавфсизлигини таъминлашдаги халқаро ҳамкорлик масалалари, туризмнинг барча турларига тегишли ҳудудий муаммоларни бартараф этиш ва унинг истиқболлари билан боғлиқ жараёнларга оид илмий хулосалардан Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини яратишда қўлланилиши мумкин бўлган жиҳатлари аниқланган;

Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини тадқиқ этиш, туризм, жумладан, экотуризмни ривожлантириш ва уни янада такомиллаштириш

муаммосини ўрганишга қаратилган ҳамда ўқув жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган назарий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари, Ўзбекистон Миллий архиви, давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жорий архивлари жамғармаларида сақланаётган кўплаб ҳужжатларга асосланганлиги, тадқиқот маълумотларининг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларни ваколатли идоралар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда экологик туризмнинг ривожланиш жараёнлари ва уни янада юксалтиришга хизмат қилувчи омилларни батафсил очиш асосида намоён бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиши, тарихий ва маданий меросини тадқиқ этишга бағишланган давлат дастурларининг бажарилишида, шунингдек, мустақиллик даври экотуризм тарихига оид янги дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 1991-2020 йилларда Ўзбекистонда экологик туризмнинг ривожланишига оид илмий натижалар, хулоса ва амалий таклифлар асосида:

Ўзбекистонда экотуризмнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларининг учта муҳим босқичи аниқланиб, биринчиси (1991-1999 йиллар)да экотуризм туризмнинг алоҳида тармоғига айланганлиги; иккинчиси (1999-2016 йиллар)да соҳада рақобат муҳити яратилганлиги ва учинчи босқичда (2016 йилдан бошлаб) замонавий ёндашувлар асосида экотуризм етакчи тармоқлардан бири сифатида иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечимида муҳим ўрин тутаётганлиги бўйича тадқиқотчининг илмий натижалардан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантириш бўйича дастурида фойдаланилган (O'zLiDePнинг 2020 йил 14 декабрдаги 01-27/604-сон далолатномаси). Натижада, иқтисодиётни юксалтириш, янги иш ўринларини яратиш бўйича қонунчилик ташаббусларини илгари суришга хизмат қилган;

экотуризм имкониятларини ўрганишда регионал районлаштириш принциплари асосида ишларнинг амалга оширилиши тармоқни Оролбўйи минтақаси, Айдар-Арнасой кўллар тизими, Нанай-Чодак тоғли рекреацион маркази сингари табиий ландшафтлар бўйича ривожлантирилишига имкон берганлигига оид натижалардан туризм соҳаси бўйича малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда ҳамкорликда мазкур соҳа ходимларининг малакасини ошириш бўйича семинар-тренингларни ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 11 январдаги 89-03-136-сон далолатномаси). Илмий натижалар олий таълим тизимида III босқич “Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)” бакалавриат таълим йўналиши талабаларига “Экологик туризм” фани бўйича

мавжуд таълим ресурсларининг маълумотлар базасини янада бойитишга, илмий мақолалар ҳамда муҳим аҳамиятга эга бўлган тарқатма материалларни тайёрлашга хизмат қилган;

сўнгги йилларда тармоқ салоҳиятини ривожлантиришда хорижий инвестициялар ва маҳаллий тадбиркорларни фаол жалб этилиши экотуризм ресурсларини кўпайтириш, сув омборларининг туризм намоиши объекти ва дам олиш зоналари сифатида ташкил этилиши тизимни тарихий, маданий, зиёрат каби туризм турлари билан боғлиқ ҳолда ривожлантиришга хизмат қилганлигига оид тадқиқотчининг илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси томонидан экотуризмни ривожлантириш мақсадида табиат қўриқхоналарида экотуристлик маршрутлар ташкил этиладиган лойиҳаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг 2021 йил 10 мартдаги 04/4-05-20-сон далолатномаси). Олинган илмий натижалар алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, Ўзбекистонда экотуризмнинг табиат қўриқхоналари ва резервациялари турини ривожлантириш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

экотуризм индустриясини ривожлантиришнинг концепцияси асосида соҳада трансформацион жараёнларга олиб келган экологик сиёсатнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва стратегик йўналишларини ишлаб чиқиши экотуристлик ресурслардан туризм мақсадида фойдаланиш, миллий парк ва табиат қўриқхоналарида халқаро экотуризм моделларини жорий этишга замин яратаётганлигига оид натижалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Такдимот” кўрсатуви сценарийсини тузиш ва тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали” ДУК қошидаги “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг 2021 йил 16 февралдаги 02-10-229-сон маълумотномаси). Илмий натижалар экотуризмнинг асосий масаласи: ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун табиатдан туристик йўналишда оқилона фойдаланишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 2 та халқаро конференция ва 8 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш эълон қилинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларида 6 та, жумладан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Экологик туризм соҳасини ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари ва тарихий жиҳатлари**” деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон Республикасида экологик туризм ҳамда туристик хизматларнинг ривожланиб бориши, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг тарихий, миллий ва минтақавий жиҳатлари, экотуризм соҳасини ривожлантиришга доир меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва мустақиллик йилларида мамлакатда олиб борилган иқтисодий-экологик сиёсатнинг асосий жиҳатлари билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган.

Бугунги кунда туризм¹⁰ жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиёти таркибида салмоқли ўрин эгаллайдиган соҳа даражасига кўтарилган бўлиб, унинг таркибий қисми бўлган экотуризм¹¹ инновацион йўналиш сифатида жадал ривожланаётган тармоққа айланди. Туризм соҳаси мамлакат иқтисодий тараққиёти ва халқнинг фаровонлигини таъминлаш, жойларда янги иш ўринлари яратишда муҳим ўрин тутди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида туризм саноатини иқтисодиётнинг етакчи тармоғига айлантириш мақсадида “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг ташкил этилиши¹², туристик соҳа ривожининг тўғри баҳоланиши, унинг келажак истиқболларини белгилаб олишда муҳим роль ўйнади. Ўзбекистон 1993 йилда Жаҳон туризм ташкилоти (WTO)га аъзо бўлди. 1994 йили Ўзбекистон туризм соҳасида ўз лойиҳалари билан Индонезиянинг Бали шаҳрида Жаҳон туризм ташкилоти ассамблеясининг X сессиясида иштирок этди¹³. Шунингдек, Ўзбекистоннинг WTO Европа комиссияси раёсати аъзосига айланиши, кейинги йилларда ушбу соҳага қаратилаётган жиддий эътибор, республикага келётган хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтириш борасида кенг кўламли ислоҳотларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ бўлди. Бу эса мамлакатда туризмнинг анъанавий турлари билан бир қаторда, жаҳонда сўнгги йилларда унинг ноанъанавий турлари бўлган экотуризм, агротуризм, археологик, этнографик, зиёрат,

¹⁰ Туризм (франц. *tour – сайр, саёҳат*), сайёҳлик– саёҳат (*сафар*) қилиш; фаол дам олиш турларидан бири. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8-жилд. Солнома – Тўйтепа. Таҳрир ҳайъати А.Азизхўжаев, М.Аминов, Т.Даминов ва б. Тошкент: ” Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашрети, 2004. – Б.639.

¹¹ *Экотуризм–атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат мазмунларини қайта тиклашни мақсад қилинган саёҳат тури*. Нигматов А. “Экотуризм ва унинг географик хусусиятлари” (Наманган вилояти мисолида). Монография. – Тошкент: “Наврўз” нашриёти, 2019. – 148 б.

¹² ЎзМА, М-141-фонд, 1-рўйхат, 1-ийғма жилд, 5-варақ.

¹³ Сатторий Ҳ. Карвон йўлларида чироқлар мангу порлайди. // Халқ сўзи газетаси, 1994 йил 7 октябрь, № 197.

туризм, экстремал шароитлар туризмнинг ҳам ривожланишига йўл очиб берди. Эътиборлиси, мазкур йўналишлар мутахассислар томонидан тараққий этаётган соҳалар сифатида эътироф этилмоқда.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг ҳисоботида туризмни барқарор ривожлантиришнинг 10 та дастури баён этилган бўлиб, унда “экотуризмни ривожлантириш учун иқлим ўзгариши, чиқиндиларни назорат қилиш, ерлардан барқарор фойдаланиш, биохилма-хилликни ва алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларни сақлаш масалаларига алоҳида эътибор бериш” лозимлиги таъкидланган¹⁴. Юқоридагиларнинг барчаси экотуризмни мамлакатимизда ривожлантиришнинг моҳияти Ўзбекистонда миллий туризмни ривожлантириш анъаналари ва модели, миллий туризм бизнесини шакллантириш ва уни илмий асосда ташкил этиш, экотуризмни барқарор ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалар эканлигидан далолат беради.

Экологик туризм туристик соҳанинг алоҳида тури ички (давлат) ва ташқи (халқаро) миқёсда янада ривожлантиришга хизмат қилиши, бу соҳада иқтисодий юксалтириш билан бир қаторда янги иш ўринларини яратишда муҳим роль ўйнаши билан ҳам аҳамият касб этади. Экотуризмнинг узвий қисми бўлган экология¹⁵ табиат билан бевосита боғлиқ. Зеро, табиатга антропоген омил, яъни, инсон муносабати қандай бўлиши қонунларда белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида “Фуқаролар атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”¹⁶, деб кўрсатилган. Шунингдек, 55-моддада “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”¹⁷, деб белгилаб қўйилганлиги, экотуризмнинг мамлакатда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги роли нақадар муҳимлигини исботлайди. Экотуризм орқали хорижий сайёҳларни нафақат Ўзбекистоннинг табиий ландшафтлари, ҳайвонот ва наботот дунёсига бой ҳамда бетакрор табиати билан таништириш, балки халқлар ўртасида дўстлик ришталарини боғлаш, мамлакатлар ва турли халқларнинг бир-бирини яқинроқ билишини таъминлайди. Бу эса экотуризмдаги муаммоли масалалар ечимига, биринчи навбатда инсоннинг табиий бойликлардан оқилона фойдаланиши, табиат бағрида дам олиши ва ушбу бойликларнинг ўз фарзандларига ҳам тегишли эканлигини англаб етиши, муҳофаза қилиши, онгли равишда сақлаш ва

¹⁴ Камолов Б. Наманган вилоятида экотуризмнинг худудийлик, даврийлик ва комплекслилик хусусиятлари. География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент: Наманган давлат университети. 2011. – 37 б.

¹⁵ Экология (юнонча *oikos*- уй, *ту*рар жой ва *logos*-фан, таълимот) – организмдан ҳар хил дражада юқори турадиган системлар, популяциялар, биоценозлар, биогеоценозлар (экосистемалар) ва биосферанинг тузилиши, уларда кечадиган жараёнларни ўрганадиган биология фанлари мажмуи. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 10-жилд. Шарқ-Қизилқум. Таҳрир ҳайъати А.Азизхўжаев, Б.Алимов, М.Аминов ва б. Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. – Б.164.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2018. – Б. 17.

¹⁷ Ўша ерда. – Б.19.

кўпайтириш учун ҳаракат қилишига хизмат қилади. Чунки, Жаҳон Туризм Ташкилоти экотуризмни ривожлантиришда, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашда БМТнинг инсониятнинг ҳозирда оғир экологик инқирозларга дуч келганлигини ва Ер сайёраси ҳаётини сақлаб қолишдаги глобал экологик муаммоларни ҳал қилишда экотуризм нажот йўлларидан энг мақбули эканлиги хусусидаги фикрларини ҳисобга олган. Шу боисдан ҳам, соҳага оид ишларни янада жадаллаштириш мақсадида экотуризмни ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилган¹⁸.

Ўзбекистонда мазкур муҳим ҳужжатда экотуризмнинг мақсад ва вазифалари, унинг халқаро талаблари ва ҳуқуқий-меъёрлари кўрсатиб берилган. Ушбу Концепцияда белгиланганидек, ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун табиатдан туристик йўналишда оқилона фойдаланиш экотуризмнинг мақсади ҳисобланади. Экотуризмнинг мақсад ва вазифалари тадқиқ этилганда, бу соҳани мамлакатда ривожлантиришда кўплаб муаммоларни ҳал қилишга тўғри келишини ва албатта, биринчи навбатда, экотуризмнинг асл моҳияти, унинг талаблари, жамиятнинг экотуризмни ривожлантиришга тайёрлиги ва масъуллиги, билимларнинг қандай даражада эканлиги каби кўплаб масалаларга тўғри ва оқилона ёндашиш лозимлиги кўзга ташланади. Иккинчидан, Ўзбекистонда экотуризм муаммоларини ўрганувчилар ва уни ташкил қилувчилар экотуризм кучли ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларини мукамал ўрганишлари ва уларнинг тажрибасидаги усуллар, технологиялар ёки амалиётлар экотуризмга қанчалик мувофиқ келиши ёки келмаслигини чуқур билишлари лозим. Экотуризмга халқаро ташкилотлар томонидан шахсларнинг доимий яшаш жойларида дам олиш, спорт билан шуғулланиш, соғломлашиш, маънавий-маърифий (тарбиявий) ишларни амалга ошириш ёки бошқа мақсадларни кўзлаган ҳолда атроф-муҳит, табиатга ёки муайян табиий объектларга экологик мақсадлардаги саёҳатлари сингари таърифлар берилган.

Ўзбекистон Республикасида экотуризм соҳасини ривожлантириш ва келажакда жаҳон андозалари даражасида сайёҳлик индустриясини йўлга қўйиш учун ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 15 апрелдаги “2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги Фармони¹⁹, 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори²⁰, 2016 йил 2

¹⁸ Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси // Экология хабарномаси.–№ 6. – Тошкент, 2007.–Б.5-14.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-2286-сон фармони 1999 йил 15 апрель. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999, 4-сон, 96-модда.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3256-сон қарори 2006 йил 17 апрель. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006, 16-сон, 133-модда.

декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги²¹, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони²², 2017 йил 16 августдаги “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори²³ бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Мазкур ҳужжатларга кўра, туризмнинг анъанавий тармоқларидан ташқари тиббий, рекреация, агро ва экотуризм йўналишлари бўйича алоҳида дастурлар қабул қилиниши ҳам белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш, туризмни миллий иқтисодиётнинг стратегик соҳасига айлантириш ва юқори кўрсаткичларга эришиш мақсадида 2019 йил 18 июлда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди²⁴.

Диссертациянинг иккинчи боби “Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш йўналишлари ва истиқболлари” деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистоннинг жаҳонга машҳур тарихий мерослари билан бир қаторда, туризмнинг экотуризм йўналишини ривожлантиришда табиий бойликлари, ўзига хос иқлими республикага келаётган сайёҳлар қабул қилиш имкониятининг кенглиги, экотуризмнинг табиий-экологик ресурслари, Ўзбекистонда экотуризмнинг ривожланиш босқичлари ва кадрлар тайёрлаш муаммолари, табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдаги жаҳон тажрибаси ва халқаро ҳамкорлик муносабатларига оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Мустақилликка эришилгандан кейин Ўзбекистонда туризм ва экотуризмнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини тарихийлик нуқтаи-назаридан қўйидаги уч босқичга ажратиш мумкин:

1. 1991-1999 йиллар – “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг ташкил топиши ва фаолияти ҳамда туристик соҳанинг ривожини, экотуризмнинг 1996 йилда туризмнинг алоҳида тармоғига айланганлиги;

2. 1999-2016 йиллар – туризмни иқтисодиётнинг етакчи соҳасига айлантириш бўйича ҳуқуқий нормалари ишлаб чиқилганлиги, “Ўзбектуризм” Миллий компанияси корхоналари ва бўлинмаларининг барқарор молиявий ахволини таъминлаш орқали экотуризм билан шуғулланаётган корхона, фирма ва бошқа муассасалар сонининг кўпайиши ҳамда соҳада рақобат муҳити яратилганлиги;

3. 2016 йилдан – ҳозиргача туризмнинг давлат нуфузи, обрўси ва

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016, 49-сон, 558-модда.

²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 6-сон, 70-модда.

²³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3217-сон қарори 2017 йил 16 август. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 33-сон, 845-модда.

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни.–Тошкент . "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2019 йил 22 июль, 29-сон, 515-модда.

салоҳиятини белгиловчи муҳим соҳа эканлиги, экотуризмни туризм соҳасининг асосий тармоғидан бири сифатида кўрилганлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси таркибида экологик ва агротуризмни ривожлантириш бўлими ташкил қилиниши ҳамда фаолияти.

Ўзбекистонда туризм инфратузилмасини ривожлантириш, хорижий сармояни жалб қилиб замонавий туризм комплексларини барпо этиш, янги туризм йўналишларни ишлаб чиқиш каби масалалар мустақиллик йилларида ташкил этилган “Ўзбектуризм” Миллий компаниянинг асосий вазифалари этиб белгиланди²⁵. “Ўзбектуризм” Миллий компанияси таркибида “Ўзбекинтур”, “Ўзбекмахсустур”, “Ўзбектурстрой”, “Ўзбектурсервис”, “Ўзбектуртранс” бирлашмалари фаолияти билан ўз ечимини топди²⁶. Жумладан, “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг бўлимларидан “Ўзбекинтур” 1993 йилда ташкил этган бўлиб, шу йилнинг ўзида ўн бешта мамлакат билан туризм йўналишида шартномалар имзолаб, уч мингта сайёҳни қабул қилган²⁷. Бу каби ислохотлар ўз самарасини бериши натижасида, 1993 йилда “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг даромади 11 млн.646 минг АҚШ долларини ташкил этди²⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1995 йил 2 июнда “Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва Республикада Халқаро туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг эълон қилиниши мамлакатда туризм салоҳиятини ошириш ҳамда сайёҳлар оқимини кенгайтириш йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди. 1996 йил экология ва саломатлик жамғармасида “Ўзбектуризм” Миллий компанияси ва “ЭКОСАН” жамғармаси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда экологик туризмни туризмнинг алоҳида соҳаси сифатида ташкил этиш бўйича давра суҳбати ўтказилди²⁹. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турли даврларда вужудга келган тўрт мингдан ортиқ архитектура, тарихий ва табиий мерос ёдгорликлари мавжуд³⁰. Ўзбекистонда экотуризм билан боғлиқ бўлган бетакрор гўзал табиат, хилма-хил ландшафтлар, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий мерос ёдгорликлари, археологик топилмалари Ўзбекистоннинг экотуристтик салоҳияти юқори эканлигини кўрсатиб, унинг дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллашидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасида эришилаётган ютуқларга қарамасдан, мавжуд туристик хизмат салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмоқда, деб бўлмайди. “Ўзбектуризм” экспертларининг маълумотига кўра, 2009 йилда туризм соҳасидаги хизмат ички яши маҳсулот умумий ҳажмининг бор-йўғи 0,6 фоизини ташкил этди³¹. 2012 йилнинг дастлабки чорагида Ўзбекистонда

²⁵ ЎзМА, М-114-фонд, 1-рўйхат, 141-йиғма жилд, 35-варақ.

²⁶ ЎзМА, М-141-фонд, 1 д-рўйхат, 75-йиғма жилд, 13-варақ.

²⁷ “Саёҳатга марҳамат”. – Халқ сўзи, 1993 йил 25 сентябрь № 187 (682).

²⁸ ЎзМА, М-141-фонд, 1 д-рўйхат, 75-йиғма жилд, 13-варақ.

²⁹ ЎзА, “Туризм, экология ва саломатлик” // Халқ сўзи, 1996 йил 2 август №155 (1408).

³⁰ ЎзМА, М-141-фонд, 1 д-рўйхат, 38-йиғма жилд, 52-варақ.

³¹ Сиддиқов Р. Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасига кадрлар тайёрлаш муаммолари. – Тошкент.: “Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари” журнали, 2012. – 25 б.

туризмдан тушган даромад ЯИМга нисбатан бир ярим фоиздан ошмади³². Мамлакатдаги туристик салоҳиятни инобатга олинадиган бўлса, бу жуда кичик кўрсаткич ҳисобланади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, аввало, туризм билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги, валюта конвертациясининг эркинлаштирилмаганлиги, хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва виза тартиб-таомилларини соддалаштириш тартиби жорий этилмаганлиги каби ҳолатларни шулар жумласига киритиш мумкин.

Келажакда туризм соҳанинг барча тармоқлари, жумладан, экотуризмни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармони қабул қилинди³³. Шунингдек, “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг ўрнига Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилиши мамлакатнинг туризм салоҳиятини тубдан ошириш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини беришда муҳим аҳамият касб этди. Туризм соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишига йўналтирилган туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепцияси шакллантирилиши ва амалга оширилишини таъминлаш, халқаро стандартларга мувофиқ бўлган туризм инфратузилмасини ривожлантиришга хорижий инвестицияларни жалб этиш, минтақаларда янги туризм йўналишлари ташкил этилишини таъминлаш кабилар қўмитанинг асосий вазибалари этиб белгилаб берилди.

Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришда экологик ресурслардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш натижасида мамлакатдаги миллий парклар, давлат табиат қўриқхоналари ва алоҳида муҳофазадаги ҳудудлар (давлат табиат буюртмаҳоналари), халқаро миқёсдаги “Қизил китоб” ва “Ўзбекистон Қизил китоби”даги ноёб ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини, бетакрор табиий ландшафтларни, ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсидаги эндемик турларининг рўйхатга олиниши ва уларнинг таъриф-тавсифларини келтириш мумкин. Ўзбекистон туризм ресурсларининг турли-туманлиги, ранг-баранглиги ва жозибadorлиги бўйича дунё мамлакатларидаги ресурслари юқори бўлган давлатлардан бири ҳисобланади.

“Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси”да таъкидланганидек, Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш учун кўрсатиб ўтилган улкан экологик ресурслардан, экологик салоҳият ва имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланиш омиллари назарий ва амалий жиҳатдан мукамал ишлаб чиқилса, республикада сайёҳларни қабул қилиш салоҳияти ортиши мумкин. Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари денгиз сатҳидан белгиланганда, бири-биридан табиий экологик жиҳатдан тубдан фарқланувчи 5 та минтақага

³² “Ўзбектуризм” миллий компанияси раиси Ф.Ризаевнинг “Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилишининг бориши тўғрисида” 2012 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ахбороти.–Тошкент, 2013 йил 26 февраль, 618-II-сон. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг Ахборотномаси, 2013, 2-сон, 29-модда.

³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016, 49-сон, 558-модда.

бўлинади³⁴. Экотуризм соҳасини ривожлантиришда ҳуқуқий асосларнинг мустаҳкамланиши билан бир қаторда, кадрлар тайёрлаш тизимини тўғри йўлга қўйиш ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади. Туризм соҳасини мамлакатнинг стратегик соҳасига айлантириш мақсадида “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони³⁵ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори асосида туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича муҳим ислоҳотларни амалга оширишга асос бўлди³⁶. Жумладан, Тошкент давлат иқтисодиёт университети таркибида “Халқаро туризм” факультети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосан, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида туризмнинг устувор йўналишлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш белгиланди³⁷. Бундан ташқари, барча ҳудудлардаги қатор туризм касб-хунар коллежлари бу ишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Ўзбекистонда мавжуд бой табиий, маданий ва тарихий мероснинг ресурслари ва имкониятларидан самарали фойдаланиш, Буёқ ипак йўлида туризм йўналишининг жозибадор маркази сифатида республика қиёфасини шакллантиришни таъминлайдиган, юқори малакали ва жаҳон туризм индустрияси бозорида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш бўйича ислоҳотлар изчил давом эттирилиб, 2018 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан Самарқанд шаҳрида “Ипак йўли” туризм халқаро университети ташкил этилди³⁸. Янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Туризм тўғрисида”ги қонунда ҳам мамлакатда туризмнинг барча соҳаларининг барқарор ривожланиши учун соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳам кўрсатиб ўтилган³⁹. Кейинги йилларда Ўзбекистонда туризм бўйича мутахассислар тайёрлаш кўпайган. Жумладан, олий таълимда 2018-2019 ўқув йилида 865 нафар талаба қабул қилинган. 195 нафар талаба битирган⁴⁰. Касб-хунар коллежлари томонидан туризм соҳаси учун 2016-2017 ўқув йилида 1478 та, 2017-2018 ўқув йилида 951 та ўқувчи қабул қилинган.

³⁴ Ҳайитбоев Р., Матякубов У. Экологик туризм. Услубий қўлланма. – Самарқанд, 2010. – Б.16.

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида”ги фармони. –Тошкент. 1999 йил 30 июнь, ПФ-2332-сон. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999, 6-сон, 156-модда.

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. – Тошкент., 1999 йил 2 июль, 324-сон. <https://lex.uz>.

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 мартдаги. “Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташкил этиш тўғрисида” 144-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004, 12-сон, 146-модда.

³⁸ “Ипак йўли” туризм халқаро университетини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори.–Тошкент; 2018 йил 28 июнь. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.06.2018.

³⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни.–Тошкент . "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2019 йил 22 июль, 29-сон, 515-модда.

⁴⁰ Ўзбекистонда туризм. Статистик тўплам. – Тошкент:, 2020. –Б.143.

2016-2017 ўқув йилида 1322 та, 2017-2018 ўқув йилида 1239, 2018-2019 йилида 1117 та, 2019-2020 ўқув йилида 1653 та ўқувчи битирган⁴¹. Таълим муассасаларда туризм соҳаси бўйича тайёрланган мутахассисларни ишга жойлаштиришда ўтган асрнинг 90 йилларнинг иккинчи ярмида “Ўзбектуризм” Миллий компанияси, 2017 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан шунингдек, сайёҳлик фирмалари ва меҳмонхоналар билан ҳамкорлик шартномалари тузилган. Туризм соҳасида ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилар учун мамлакат туризм соҳасидаги идоралар билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари кўргазмаси ўтказиш анъанага айланган. Кўргазмани ўтказишдан кўзланган мақсад – олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини туризм соҳаси корхоналарида иш билан таъминлаш ва шу орқали сайёҳлик фаолияти субъектларини малакали кадрлар билан таъминлашдан иборат эканлигини кўриш мумкин.

